БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 43 (7490)
22 ФЕВРАЛЬ
ЧОРШАНБА
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Сайловчилар коммунистлар блан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш блан, социалистик саноатимизни янада юксалтириш учун, социалистик хўжалигимизни тобора юксак сур'атлар блан тараққий этдириш учун овоз берган бўладилар.

(Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитетининг Мурожаатидан).

Коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг номзодлари учун!

Биз чуқур мазмунли кунларни кечирмоқдамиз. Биз, Ленин—Сталиннинг коммунизм ҳақидаги ғоялари, социалистик демократия тўғрисидаги буюк ғоялари яна тантана қилаётган, империализм ҳалок бўлаётган даврда яшаётирмиз.

Ма'навий-сиёсий жиҳатдан монолитдек ўюшган, ўз йўлбошчиси—Ленин—Сталин партиясининг ишига чексиз садоқат ва муҳаббат қўйган совет халқи сайлов кампаниясида ўзининг ҳарқандай ишга қодир, курашчан ва қаҳрамон халқ эканлигини яна бир марта исбот этмоқда. Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитетининг барча сайловчиларга қарата чиқарган Мурожаати ҳамма жойда бирдамлик блан ма'қулланмоқда. Совет кишилари бу Мурожаатни ўзларининг бутун истак ва орзуларини тўла ифода этган жанговар чақириқ деб қабул қилмоқдалар. Барча сайловчилар Мурожаатга жавобан, меҳнат соҳасида янги ғалабаларга эришиш, Ватанимизнинг куч-қудратини ошириш йўлидаги буюк ишга муносиб ҳисса қўшиш учун ўз зиммаларига янги мажбуриятлар олмоқдалар.

Коммунистлар партияси ССР Иттифоқи Олий Советига бўладиган сайловларда барча совет кишиларини коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирди. Минг-миллаб ишчи ва хизматчилар, колхозчилар ва зиёлилар қатнашган митингларда сўзга чиққан нотиқлар партиямизнинг ана шу чақириғини якдиллик блан ма'қуллаб гапирмоқдалар. Улар коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг номзодлари учун овоз бериш—Ватанимизнинг бахт-саодати учун, большевиклар партиясининг сиёсати учун, совет халқининг моддий-маданий фаровонлигини янада юксалтириш учун овоз бериш эканлигини таъкидламоқдалар. Тошкент шаҳридаги Ворошилов номли машинасозлик заводида бўлган митингда темирчилик-пресс цехининг ишчиси Ўртоқ Саидназаров бундай деди:

— Бизнинг бутун фикри-зикримиз қадрдонимиз Ўртоқ Сталинга қаратилган. Ўртоқ Сталин бизларни ғалабадан-ғалабага олиб бормоқда. Большевиклар партияси, шахсан Ўртоқ Сталин халқимизни социализмга олиб келдилар, республикамизнинг ва Бутун Совет Иттифоқининг ҳалқ хўжалигини, маданиятини мисли кўрилмаган даражада яшнатдилар. Халқимиз Ўртоқ Сталининг доно раҳбарлигида муваффақият блан коммунистик жамият қурмоқда. Биз, совет кишилари Ленин—Сталин партиясининг улуғ байроғи остида ўз сафларимизни янада маҳкам жипслаштирамиз. Биз ҳаммамиз ССР Олий Совети сайловлари кунида, бир кишидай бўлиб, коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг номзодлари учун овоз берамиз.

Сайлов кампанияси ҳал қилучи, мас'улиятли даврга кирди. Ҳозир мамлакатимиздаги, шу блан бирга республикамиздаги ҳамма сайлов округларида ССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган кишиларни рўйхатга олиниб бўлди. Округ сайлов комиссиясининг қарорларида халқимизнинг иродаси акс этдирилди. Номзодларни рўйхатга олиш ҳамма ерда совет сайлов қонуни асосида, кенг меҳнаткашлар оммаси вакилларининг актив иштирокида ўтди. Москва шаҳар, Сталин сайлов округи сайлов комиссиясининг мажлисида коммунизмнинг буюк ме'мори, Ватанимиз эришган барча ғалабаларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси улуғ устозимиз Ўртоқ Иосиф Виссарионович Сталин Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди. Бу хушхабар бутун халқимизни бениҳоя қувонтирди. Улуғ Сталиннинг давлат ҳокимияти олий органига бутун халқнинг биринчи номзоди қилиб рўйхатга олиниши ҳаммамиз учун катта қувончдир.

Партия, ҳукумат раҳбарларининг муайян округларда овозга қўйилишга розилик билдириб, округ сайлов комиссияларига ёзган очиқ хатлари бепоён мамлакатимизнинг ҳамма халқларини чексиз қувонтирди. Улуғ Сталиннинг энг яқин сафдошларидан Лазарь Моисеевич Каганович республикамиз меҳнаткашларининг номзодидир. Тошкент-Ленин сайлов округининг округ сайлов комиссияси Ўртоқ Л. М. Кагановични Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

Улуғ Сталиннинг энг яқин сафдоши бўлган Ўртоқ Л. М. Каганович ўзбек халқи эришган буюк ғалабаларга муносиб ҳисса қўшган отоқли партия ва давлат арбобидир. Халқимиз Ўртоқ Кагановични СССР Олий Совети депутатлигига биринчи марта сайлаётгани йўқ. Ўртоқ Л. М. Каганович давлат ҳокимиятининг олий органида ишлаб, Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида, кенг меҳнаткашлар оммасининг моддий ва маданий фаровонлигини юксалтириш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилмоқда. Республикамизда саноатнинг юксалиши, қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачиликнинг ривожланиши, маданият, фан ва техниканинг мисли сиз тараққий этишида Ўртоқ Л. М. Кагановичнинг қилган хизматларини ҳарбир ватанпарвар чуқур миннуният блан тилга олади.

Ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларнинг энг яхши вакиллари, социалистик қурилиш ишида синалган, бутун ҳаётини халқ ва Ватан бахт-саодати учун курашга бағишлаган энг яхши кишилар ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиндилар. Улар коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг номзодидирлар. Партия ва совет ташкилотларининг, барча пропагандист ва агитаторларининг шу кундаги асосий вазифаси—ана шу илғор кишилар тўғрисида, номзодларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида кенг қўламда агитация олиб боришдир. Ҳарбир сайловчи коммунистлар блан партиясизлар блоки номзодларининг бутун иш фаолияти блан тўла таниш бўлсин. Номзодлар блан сайловчиларнинг учрашувларини уюшқоқлик блан ўтказиш—маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Ҳарбир сайловчи коммунистлар блан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш блан, даставвал, большевиклар партияси ва совет давлатининг сиёсатини қувватлаганлигини, Ватанимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай меҳнат қилишга доим тайёр турганлигини яна бир марта исбот қилган бўлади.

Совет ватанпарварлари—СССР Олий Совети сайловларига зўр тайёргарлик кўрмоқдалар. Бўлажак сайловлар халқимизнинг ма'навий-сиёсий бирлигининг, унинг ўз Ватанига, большевиклар партиясига, коммунизм ишига буюк садоқати ва чексиз муҳаббатининг ёрқин намойиши бўлажак.

Меҳнаткашлар ВКП(б) Марказий Комитетининг Мурожаатини зўр якдиллик блан кутиб олдилар

СТАЛИН САЙЛОВ ОКРУГИДА

Улуғ доҳининг номини дилга жо қилиб

Москвадаги Сталин сайлов округининг сайлов комиссияси кеча Воронеж областидаги Репьев районининг меҳнаткашларидан телеграмма олди. Телеграммада бундай дейилади:

— Сталин округининг сайловчиларини чин қалбимиздан табриклаймиз ва қутлаймиз. Барча сайловчиларга оташин саломимизни топширишингизни сўраймиз. Севикли доҳимиз ва устозимиз Ўртоқ Сталин учун овоз бериш шарафига муяссар бўлганлигингиз муносабати блан қувонамиз. Биз умумхалқ байрами—12 март куни улуғ Сталин учун, коммунистлар блан партиясизларнинг бузилмас блоки учун, улуғ Ватанимизнинг қудрати учун, совет кишиларининг бахти учун бир жонбир тан бўлиб овоз берамиз!

Сталин сайлов округининг меҳнаткашлари шу кунларда бепоён совет мамлакатининг кўп жойларидан табрик хатлари ва телеграммалар олмоқдалар. Ишчилар, колхозчилар, хизматчилар, Совет Армиясининг солдатлари ва офицерлари Сталин округининг сайловчиларини улуғ доҳимиз бу округда овозга қўйилиш учун розилик берганлиги блан чин қалбдан табрикламоқдалар.

Сталин округининг корхоналарида, муассаса ва ўқув юртларида ишчилар, хизматчилар ва зиёлиларнинг кўп кишилик йиғилишлари, сайловчиларнинг ишончли кишилар блан учрашувлари, агитаторларнинг суҳбатлари бўлди.

— Ўртоқ Сталин—биз учун энг қадрдон ва энг азиз кишидир,—деди машинасозлик заводи меҳнаткашларининг йиғилишида сўзга чиққан Ўртоқ Чесноков,— Сталин меҳрибон боғбондек, совет кишиларининг янги авлодини тарбиялаб етиштирмоқда. Ўртоқ Сталин ёшларга билим йўлини очиб берди, уларни ишсизлик хавфидан абадий қутқазди. Ватанимизнинг ҳамма тарихий ғалабалари улуғ Сталиннинг номи блан чамбарчас боғланган. Биз ёш сайловчилар улуғ Сталин учун қувона-қувона овоз берамиз!

— Биз Ўртоқ Сталин учун овоз бериш блан бутун совет халқининг доҳишини изҳор қиламиз,—деди «Заря свободы» пойафзал фабрикаси бичув цехи ишчиларининг йиғилишида стахановчи Нечаева.—Ўртоқ Сталин округимизда овозга қўйилиш учун розилик бериб, бизни бениҳоя мамнун қилди.

Фабрика коллективи Нечаеванинг бутун цехнинг стахановча вахтада туриб ишлаяжаги ҳақидаги таклифини якдиллик блан қувватлаб, 12 мартгача пландан ташқари камида 20 минг жуфт пойафзал тикиб беришни ва'да қилди.

Стахановча вахта бошланган биринчи кундаёқ нормани 230 процент бажаришга сўз берган стахановчи Юшина ўз нормасини деярлик 3,5 баравар адо этди. Стахановчилардан Незнамова, Селиверстова ва бошқалар смена топшириғини икки баравар ошириб бажармоқдалар.

Шу кунларда Москва асбобсозлик заводи, Ярославский номидаги механика заводи, Балакирев номидаги фабрика, Горький номидаги сут комбинати ва Сталин сайлов округидаги бошқа корхоналарнинг цехларида ҳам кўп кишилик йиғилишлар бўлди.

Улуғ йўлбошчининг шонли номига қўйилган округнинг сайловчилари Ўртоқ Сталин номини доим зўр мамнуният ҳислари блан тилга олмоқдалар. Улар янгидан-янги зафарларга эришиш мақсадида, улуғ доҳининг номини дилга жо қилиб, ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Сталиннинг номи барча совет халқини янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради, коммунизм тантанаси учун ҳормай-толмай курашишга чақиради. (ТАСС).

Партия блан доим биргамиз

ЧУСТ, (Наманган области). (ЎзТАГ). ВКП(б) Марказий Комитетининг барча сайловчиларга қарата чиқарган Мурожаатини ўзбек тилида радио орқали эшитиш учун Тепақўрғон сайлов участкаси ҳузуридаги агитпунктга 100 дан ортиқ киши йиғилди.

Пахтакорлар бу тарихий ҳужжатни зўр э'тибор блан тингладилар. Мурожаат радиода эшитириліб бўлгандан кейин, Сталин номли колхознинг доңгдор звено бошлиғи Ўртоқ Қорабоева митингда сўзга чиқди.

—Мурожаатнинг сода ва равшан сўзлари, — деди у, — бизларни коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг номзодлари учун овоз беришга чақиради. Мен номзодларимиз учун қувона-қувона овоз бераман, жонажон коммунистлар партиямиз учун, бизларни бахтли ва қувончли ҳаётга олиб келган улуғ доҳимиз Ўртоқ Сталин учун овоз бераман. Звеномиз умумхалқ байрами — сайлов кунини кўкламга тайёргарлик ишларини тамомлаш блан кутиб олишга сўз беради.

— Большевиклар партияси, — деди партиясиз колхозчи Ўртоқ Тошматов, — бизларни коммунистлар блан партиясизлар блокининг номзодлари учун бир жонбир тан бўлиб овоз беришга чақирмоқда. Бу чақириққа жавобан, ҳарбиримиз: биз ҳамиша партия блан бирга бўлиб келдик, биз партияга беҳад ишонамиз! — деймиз. Биз биламизки, қадрдон йўлбошчимиз Ўртоқ Сталин раҳбарлигида совет кишилари янада каттароқ муваффақиятларга эришадилар. Шунинг учун ҳаммамиз 12 мартда сайлов қутилари ёнига аҳиллик блан бориб, Ватанимизнинг энг яхши ўғил-қизлари учун овоз берамиз.

ВКП(б) Марказий Комитетининг Мурожатини муҳокама қилиш вақтида Сталин номли колхоз партия ташкилотининг секретари Ғафуров, колхозчилардан Тошматова, Қосимов, Мадалиева ва бошқа Ўртоқлар оташин нутқ сўзладилар.

Фрунзе номли, «Қизил чорва», Киров номли колхозларда, Чуст пахта заводида ва бошқа жойларда ҳам ВКП(б) Марказий комитетининг Мурожаатини муҳокама қилишга бағишланган катта йиғилиш ва митинглар бўлди. Район меҳнаткашлари ВКП(б) Марказий Комитетининг Мурожатига жавобан, сайлов кунида коммунистлар блан партиясизлар блокининг номзодлари учун якдиллик блан овоз беражакларини айтмоқдалар.

Халқнинг фикр ва туйғулари

ТЎРТКЎЛ. (Қорақалпоғистон АССР). (ЎзТАГ). ВКП(б) Марказий Комитетининг барча сайловчиларга қарата чиқарган Мурожаати районнинг энг узоқ овулларигача етиб борди. Мурожаат босилган газеталар қўлдан-қўлга ўтмоқда. Мурожаат колхоз йиғилишларида, агитпунктларда, колхозчиларнинг уйларида мароқ блан ўқилмоқда. Большевиклар партиясининг оташин чақириқларини районнинг барча меҳнаткашлари қизғин ма'қуллаб қутиб олдилар. Бу чақириқлар халқимизнинг фикри-зикрини ифода қилади.

Тимошенко номли колхозда бўлган митингда звено бошлиғи Сафар Эшниёзов бундай деди:

— Биз бахтли ҳаётимиз, барча муваффақиятларимиз учун коммунистлар партиясидан миннатдормиз. Коммунистлар партияси раҳбарлигида, жонажон улуғ Сталин етакчилигида колхозларимиз янада гуллаб-яшнайди. Биз сайлов кунида коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг номзодлари учун қувона-қувона овоз берамиз.

Жданов номли колхозда бўлган митингда звено бошлиғи Мат'ёқубов барча колхозчиларни сайлов кунини меҳнатда янги муваффақиятлар блан кутиб олишга чақирди.

— Бизнинг звеномиз, — деди Ўртоқ Мат'ёқубов, — сайлов кунигача кўкламга тайёргарликни тамомлашга қарор қилди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг Мурожаати «Коммунист» колхозида меҳнат ғайратини яна ошириб юборди. Колхоз а'золари, Мурожаатга жавобан, ариқ-зовурларни тозалаш ва маҳаллий ўғит тўплаш юзасидан кунлик топшириқни ошириб бажаришга сўз бердилар.

Районнинг Калинин номли, Крупская номли, Карл Маркс номли, Чкалов номли колхозларида ва бошқа ҳамма колхозларда ВКП(б) Марказий Комитетининг Мурожаати зўр ватанпарварлик руҳи блан муҳокама қилинмоқда. Колхозчилар сайлов кунида коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг номзодлари учун якдиллик блан овоз берамиз, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш, социалистик Ватанни янада яшнатиш учун куч-қувватимизни аямаймиз, деб якдиллик блан ва'да бермоқдалар.

Меҳнат соҳасида янги ғалабаларга эришамиз

УРГАНЧ. (Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Хоразм областининг меҳнаткашлари Бутун Иттифоқ коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитетининг Мурожаатини зўр қувонч блан кутиб олдилар. Корхона ва муассасаларда митинглар бўлиб ўтди. Ишчи ва хизматчилар бу митингларда ўз қувончларини сўзлаб бердилар.

Урганч тикучилик фабрикасида бўлган митингда сўзга чиққан стахановчи Саодат Жабборова бундай деди:

— Ленин—Сталин партияси меҳнаткашлар ҳақида тинмай ғамхўрлик қиладётир. Биз қувноқ ва бахтиёр ҳаётимиз учун Ленин—Сталин партиясидан бениҳоя миннатдормиз. Биз коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг номзодлари учун овоз бериш блан, севикли Ватанимизнинг янада гуллаши учун овоз берган бўламиз. Мен сайлов кунида коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг номзодлари учун қувона-қувона овоз бераман. Мен ўз зиммамга ишлабчиқариш топшириғини ҳар куни 120 процент бажариш мажбуриятини оламан.

— Мен,—деди тикув цехининг стахановчиси Бибижон Қутлимуродова, — Чин қалбимдан айтаманки, жонажон Сталинга катта раҳмат, у меҳнаткаш халқнинг ҳаёти тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Бизлар большевиклар партияси, Ўртоқ Сталин та'лимотига амал қилиб, коммунизм ғалабаси сари илгари борамиз.

Митингда мастер Алексей Салдаев, инструктор Хожар Абдураҳмонова ва бошқа Ўртоқлар ҳам та'сирли нутқ сўзладилар.

Совет Армиясининг 32 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишлар

Пойтахт жамоатчилиги ССР Иттифоқи Қуролли Кучларининг 32 йиллигини кенг нишонламоқда. Фабрика ва заводларда, муассаса ва ўқув юртларида, агитпунктларда, клуб, маданият уйлари ва саройларида Совет Армиясининг В. И. Ленин ҳамда Сталин раҳбарлиги остида эришган шонли ғалабалари тўғрисида лекция ва докладлар ўтказилмоқда.

20 февральда Москвада партия, совет, комсомол ва касабасоюз ташкилотларининг стахановчи ишчилар, зиёлилар, Совет Армиясининг жангчилари блан биргаликда, Совет Армиясининг 32 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишлари бўлиб ўтди.

Моссовет номидаги театрда бўлган тантанали йиғилишда электр лампалар заводи, трансформатор заводи, асбобсозлик заводи, машинасозлик заводи, Шербаков номидаги комбинат ва Сталин районидаги бошқа корхоналарнинг мингта яқин вакили қатнашди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўртоқ И. В. Сталин бошлиқ Сиёсий бюроси гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайланди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор С. И. Миронов СССР Қуролли Кучларининг 32 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Красногвардейск, Сокольники ва Совет районларида ҳам тантанали йиғилишлар бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари Ўртоқ И. В. Сталинга баланд руҳ блан табрикномалар қабул қилдилар. (ТАСС).

☆

Ўтган бешкунликда Самарқанд, Қашқадарё областьлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги машина-трактор станцияларида тракторларнинг капитал ремонтига яхши э'тибор қилинди.

Аммо республика бўйича олганда, бу муҳим иш йўл қўйиб бўлмаслик даражада кечиктирилмоқда. Капитал ремонтдан чиқарилиши лозим бўлган тракторларнинг фақат 66,8 процента ремонт қилинган. Машина-трактор станцияларининг, шунингдек район ва область қишлоқ хўжалик органларининг бирқанча раҳбарлари ремонт процентини ортдириб кўрсатишга уруниб, ремонтнинг сифатига э'тибор бермаётирлар. Бухоро ва Андижон областьларида бу аҳволни айниқса яққол сезиш мумкин. Бухоро областида жорий ремонт тамомланган бўлса ҳам, капитал ремонт плани атиги 44,8 процент бажарилган. Андижон областида жорий ремонт плани 90,3 процент бажарилгани ҳолда, капитал ремонт плани 42,2 процент адо этилган. Сурхондарё областида ҳам капитал ремонт судралмоқда.

Республикамизнинг жанубий районларида дала ишлари бошланишига саноқли кунлар қолди. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва бошқа областлар партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари бирқанча МТСларда ҳукм сураётган хотиржамлик кайфиятларига хотима беришлари керак.

Узбекистон МТСларида трактор ремонтининг бориши тўғрисида 1950 йил 20 февральга бўлган

М А ' Л У М О Т

(Процент ҳисобида)	
Тошкент области	89,9
Фарғона области	83,9
Наманган области	88,5
Андижон области	69,1
Самарқанд области	90,1
Бухоро области	77,1
Қашқадарё области	93,9
Сурхондарё области	90,4
Хоразм области	102,0
Қорақалпоғистон АССР	105,8

СССР Олий Советига сайловлар шарафига

ҲАММА ИШЧИЛАР НОРМАЛАРИНИ ОШИРИБ БАЖАРМОҚДАЛАР

Тошкентдаги Ильич номли тог-кон саноати ускуналари заводининг коллективи январь ойининг бошларида СССР Олий Советига сайловлар шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиш масаласини муҳокама қилди. Заводнинг кекса токари Пётр Петрович Салин нормаларини бажармаётган ёш ишчиларни оталикка олиш ҳақида таклиф киритди.

Кекса ишчининг ўзи ёш токарь С. Касаковскийни оталикка олди ва ишлабчиқариш малакасини оширишда унга қунт блан ёрдам берди. Натижада, илғари топшириқни бажаролмаган токарь Касаковский январь ойида нормани 105 процент адо этди. У, февраль ойида ҳам нормани ошириб бажармоқда.

Токарь А. Ермаков ҳам Ўртоқ Салининг ташаббусига қўшилиб, ёш ишчи В. Сюзинни оталикка олди. Ўртоқ Сюзин малакали ишчи Ермаковнинг ёрдами блан, нормасини 110 процентдан бажара бошлади.

Заводнинг илғор стахановчилари нормаларини бажармаётган барча ёш ишчиларни оталикка олдилар. Заводнинг жамоат ташкилотлари илғорлар ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар. Ҳозир корхоналардаги барча ишчилар ўз нормаларини тўла ва ошириб бажараётирлар. (ЎзТАГ).

КЕКСА ЁЗУЧИ—АГИТАТОР

САМАРҚАНД, (Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Кекса ёзувчи, жамоатчи Садриддин Айний СССР Олий Советига сайловлар муносабати блан аҳоли ўртасида агитация ишларини олиб боришда актив қатнашмоқда.

С. Айний яқинда Боғишамол районидаги тропик институт биносига жойлашган сайлов участкасида бўлди. У, бу ерда сайловчилар блан суҳбат ўтказди. С. Айний сайловчиларга Бухоро амири вақтидаги «Сайловлар» ҳақида, сайловлардан бойлар, диндорлар ва савдогарларгина манфаатдор бўлганликлари, меҳнаткашлар оммаси эса турли найранглар блан сайловларда қатнаштирилмаганлиги ҳақида муфассал гапирди.

Ўртоқ С. Айний ўтмишда эзилган, азоб-уқубат чеккан меҳнаткашлар совет ҳукумати ва большевиклар партияси туфайлигина бахтли, қувончли ҳаётга эришганлиги, бизлаги сайловлар чинакам эркин сайловлар эканлиги тўғрисида мароқ блан сўзлади.

САЙЛОВОЛДИ МУСОБАҚАСИ ИЛҒОРЛАРИ

Тошкент область, Чиноз район, Кўтарма қишлоқ советидаги колхозларнинг пахтакорлари СССР Олий Совети сайловлари шарафига социалистик мусобақани кундан кунга кучайтириб, кўклам экиш олди ишларини муваффақиятли бажармоқдалар.

Максим Горький номли колхоз а'золарининг СССР Олий Совети сайловлари олдидан ўтказилган йиғилишида бригада ва звенолар кўкламга тайёргарлик ишларини 12 мартгача тугаллаш мажбуриятини олган эдилар. Ҳозир колхозда ариқ-зовурларни қазиш, далага маҳаллий ўғит чиқариш ишлари кучайтириб юборилди.

Колхоз устахонаси қишлоқ хўжалик асбобларини жадаллик блан ремонт қилмоқда. 8 та сўқа, 4 та оқсой, 6 та сеялка ва 5 та арава ремонтдан чиқарилди.

Қишлоқ советидаги Каганович номли ва «Қизил аскар» колхозлари ҳам минерал ўғитларни ташиб бўлдилар.

З. ЮСУПОВ.

ЁЗУВЧИЛАР САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА

ССР Олий Советига сайловларга тайёргарлик кучайиб кетган куналарда Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг бригадалари республикамиз пойтахтидаги агитпунктларда сайловчилар блан бир мунча учрашувлар ўтказдилар.

18 февраль куни Киров районидаги 77/53 ва 78/54 сайлов участкаларизаги учрашувда шоирлардан Мирмуҳсин, Зулфия, Т. Фаттоҳ, Чустий, А. Иванов, А. Сечко, И. Муслим Ўртоқлар иштирок этдилар. Худди шу куни Ленин районига қарашли 28 сайлов участкасида ҳам шоирларнинг сайловчилар блан учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда шоирларимиздан Э. Аббос, Қудрус Муҳаммадий, П. Мўмин, Б. Пармузин, Е. Ястребова Ўртоқлар қатнашдилар. 20 февраль куни Октябрь районидаги 1-нчи сайлов участкасида ёзувчиларнинг сайловчилар блан учрашуви бўлиб ўтди.

Ҳозир пойтахт сайловчиларига ёзувчиларнинг тўртта бригадаси хизмат этаётир. Учрашувларда ёзувчилар ўзларининг янги асарларини ўқиб бераётирлар.

СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар рўйхатга олинди

Сирож Нуриддиновни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайловлар ўтказучи 471-нчи Куйбишев сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига мувофиқ, Куйбишев сайлов округининг Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

СССР Олий Совети депутатлигига Сирож Нуриддиновнинг номзоди Миллатлар Советига сайловлар ўтказучи 471-нчи Куйбишев сайлов округида овозга қўйилиш учун рўйхатга олинсин. Сирож Нуриддинов 1911 йилда туғилган, Тошкент шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари.

Сирож Нуриддиновнинг номзоди Куйбишев районидаги 1-нчи МТС, Қипчоқ районидаги 1-нчи МТСнинг шунчи. хизматчилари, Куйбишев районидаги «Қизил Октябрь» ва Жданов номли колхозларининг а'золари томонидан кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, Сирож Нуриддиновнинг депутатликка номзоди Миллатлар Советига сайловлар ўтказучи 471-нчи Куйбишев сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Михаил Герасимович Чикованини

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайловлар ўтказучи 76-нчи Тошкент-Киров шаҳар сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига мувофиқ, Тошкент-Киров шаҳар сайлов округининг Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

СССР Олий Совети депутатлигига Михаил Герасимович Чикованининг номзоди рўйхатга олинсин. М. Г. Чикования 1911 йилда туғилган, Тошкент шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар комитетининг секретари, М. Г. Чикованининг номзоди Сталин номидаги Чирчиқ электрохимия комбинати, «Узбексельмаш» заводи, «Чирчиқсельмаш» заводи ва 1-нчи босмахона коллективларининг умумий йиғилишлари томонидан кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, Михаил Герасимович Чикованининг депутатликка номзоди Миллатлар Советига сайловлар ўтказучи 76-нчи Тошкент-Киров шаҳар сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Михаил Иванович Баскаковни

Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 573-нчи Урганч сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига биноан, Урганч сайлов округи Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Михаил Иванович Баскаков Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 573-нчи Урганч сайлов округида овозга қўйилиш учун СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинсин. Михаил Иванович Баскаков 1905 йилда туғилган, ВКП(б) а'зоси. Тошкент шаҳрида туради, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги министри. Михаил Иванович Баскаков Урганч ёғ заводи ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари, Мангит ёғ заводи ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари, Қўшкўпир районидаги Сталин номли колхоз а'золарининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига биноан, депутатликка номзод Михаил Иванович Баскаков Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 573-нчи Урганч сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Ориф Алимовни

Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 568-нчи Самарқанд-қишлоқ сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига биноан, Ориф Алимов Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 568-нчи Самарқанд қишлоқ сайлов округида овозга қўйилиш учун СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинсин. Ориф Алимов 1912 йилда туғилган, Самарқанд шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, Самарқанд область партия комитетининг секретари. Ориф Алимов Красногвардейск қанд заводи коллективининг умумий йиғилиши, Самарқанд районидаги Сталин номли колхоз ва Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз а'золарининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига биноан, СССР Олий Совети депутатлигига номзод Ориф Алимов Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 568-нчи Самарқанд-қишлоқ сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Носир Маҳмудовни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 469-нчи Шоббоз сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига биноан, Шоббоз сайлов округи Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Носир Маҳмудов 469-нчи Шоббоз сайлов округида овозга қўйилиш учун СССР Олий Советига номзод қилиб рўйхатга олинсин. Носир Маҳмудов 1913 йилда туғилган, ВКП(б) а'зоси, ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабининг ўқучиси. Москвада туради. Носир Маҳмудов Шоббоз район, Бийбозор овул советидаги Охунбобоев номли, Стаханов номли колхозларининг а'золари, Шоббоз районидаги 2-нчи МТС ишчилари ва хизматчилари ҳамда Шоббоз ёғ заводи қурилиши ишчилари ва хизматчиларининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига биноан, депутатликка номзод Носир Маҳмудов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 469-нчи Шоббоз сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Робиа Мажидовани

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайловлар ўтказучи 94-нчи Бухоро қишлоқ сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

СССР Олий Совети депутатлигига Робиа Мажидованинг номзоди Миллатлар Советига сайловлар ўтказучи 94-нчи Бухоро қишлоқ сайлов округида овозга қўйилиш учун рўйхатга олинсин. Робиа Мажидова 1926 йилда туғилган, Ғиждувон район, Бўлди қишлоқ советидаги Стаханов номли колхозда туради, партиясиз, Стаханов номли колхозининг раиси. Робиа Мажидованинг номзоди Ғиждувон районидаги Стаханов номли колхоз а'золари, Ғиждувон ёғ заводи, Шофиркон районидаги 1-нчи МТС коллективлари, Бухоро район, Шербудин қишлоқ советидаги Калинин номли колхоз а'золари томонидан кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига биноан, СССР Олий Совети депутатлигига номзод Робиа Мажидованинг номзоди Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 94-нчи Бухоро-қишлоқ сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Ўразмет Холмуротовни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар советига сайлов ўтказучи 474-нчи Тахтакўпир сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига биноан, Тахтакўпир сайлов округининг Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Ўразмет Холмуротов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 474-нчи Тахтакўпир сайлов округида овозга қўйилиш учун СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинсин. Ўразмет Холмуротов 1900 йилда туғилган, Нукус шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, республика касалхонасининг хирург-врачи. Ўразмет Холмуротов Тахтакўпир МТСнинг ишчилари ва хизматчилари, Тахтакўпир районидаги Тельман номли ва Андреев номли колхоз а'золарининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига биноан, Ўразмет Холмуротовнинг номзоди Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 474-нчи Тахтакўпир сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Ҳалил Турдиевни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 79-нчи Тошкент қишлоқ сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига биноан, Тошкент қишлоқ сайлов округи Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Ҳалил Турдиев Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 79-нчи Тошкент қишлоқ сайлов округида овозга қўйилиш учун СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинсин. Ҳалил Турдиев 1909 йилда туғилган, Тошкент шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, Тошкент область ижроия комитетининг раиси. Ҳалил Турдиев Қуйичирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР бешйиллиги» пахта совхозининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, Оҳангарон цемент заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, Тошкент қишлоқ районидаги Юсупов номли колхоз, Қорасув районидаги «XVIII партс'езд», Ўртачирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхоз а'золарининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига биноан депутатликка номзод Ҳалил Турдиев Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 79-нчи Тошкент қишлоқ сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Евдокия Федоровна Визгаловани

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 78-нчи Тошкент-Оржоникидзе сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига биноан, Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Евдокия Федоровна Визгалова Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 78-нчи Тошкент-Оржоникидзе сайлов округида овозга қўйилиш учун СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинсин. Евдокия Федоровна Визгалова 1911 йилда туғилган. Тошкент шаҳрида туради, партиясиз, Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати 2-нчи тўқув фабрикасининг тўқучиси. Евдокия Федоровна Визгалова Сталин номли тўқимачилик комбинати, «Таштекстильмаш» заводи, Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий-текшириш институтининг Оққовоқ тажриба станцияси, Тошкент ёғоч буюмлар заводи, «Узбекраскирмасло» трестига қарашли механика заводи, Тошкент гўшт комбинати, «Узбекхлебтрест», Давлат статистика нашриётининг 10-нчи босмахонаси ва бошқа корхоналарнинг ишчилари, инженер-техник ва хизматчилари ҳамда Оржоникидзе районидаги «Правда Востока» колхози, Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози а'золарининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига биноан, депутатликка номзод Евдокия Федоровна Визгалова Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 78-нчи Тошкент-Оржоникидзе сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Нуриддин Акрамович Муҳиддиновни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 85-нчи Наманган қишлоқ сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига биноан, Наманган қишлоқ сайлов округи Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Нуриддин Акрамович Муҳиддинов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 85-нчи Наманган қишлоқ сайлов округида овозга қўйилиш учун СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинсин. Нуриддин Акрамович Муҳиддинов 1917 йилда туғилган, Наманган шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, Ўзбекистон К(б)П Наманган область комитетининг секретари. Нуриддин Акрамович Муҳиддинов Чуст пахта заводи, Поп районидаги 1-нчи МТС, Косонсой районидаги 1-нчи МТС ва Янгиқўрғон районидаги 2-нчи МТС коллективларининг умумий йиғилишларида, Наманган районидаги Сталин номли ва Жданов номли колхоз а'золарининг йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига биноан, депутатликка номзод Нуриддин Акрамович Муҳиддинов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 85-нчи Наманган қишлоқ сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Бекзод Кожалепесовани

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 473-нчи Чимбой сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

Бекзод Кожалепесова Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 473-нчи Чимбой сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинсин. Бекзод Кожалепесова 1922 йилда туғилган, Чимбой районида туради, ВКП(б) а'зоси, Чимбой район, Биринчи май овул советидаги Оржоникидзе номли колхозининг раиси. Бекзод Кожалепесова Чимбой районидаги 1-нчи МТС, Чимбой педагогика билим юрти коллективлари, Чимбой район, Пахтаобод овул советидаги «Сталинобод», Кенгас овул советидаги Сталин номли колхоз а'золарининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, депутатликка номзод Бекзод Кожалепесова Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 473-нчи Чимбой сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Онабиби Отажоновани

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 98-нчи Урганч сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига мувофиқ, СССР Олий Совети депутатлигига номзод Онабиби Отажонова Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 98-нчи Урганч сайлов округида овозга қўйилиш учун рўйхатга олинсин. Онабиби Отажонова 1913 йилда туғилган, Урганч шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, Урганч район қишлоқ хўжалик бўлимининг зоотехниги. Онабиби Отажонова Ҳазорасп пахта заводи, Хива ёғ заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилишлари, Хоразм педагогика институтининг студентлари, профессорлари ва ўқитучиларининг умумий йиғилиши, Урганч районидаги Сталин номли колхоз а'золарининг умумий йиғилишида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, Онабиби Отажонованинг номзоди 98-нчи Урганч сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Бўри Фозиловна Омоновани

Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 561-нчи Бухоро шаҳар сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

Бўри Фозиловна Омонова Иттифоқ Совети депутатлигига сайлов ўтказучи 561-нчи Бухоро шаҳар сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Бўри Фозиловна Омонова 1916 йилда туғилган, Бухоро шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, меҳнаткашлар депутатлари Бухоро область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари. Бўри Фозиловна Омонова Когон темир йўл узели ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг, Қоракўл районидаги «Октябрь», Когон районидаги «Наукат» колхозлари а'золарининг, Бухородаги Оржоникидзе номли педагогика ва ўқитучилар институти, Бухоро қоракўл заводи коллективларининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, Бўри Фозиловна Омонованинг номзоди Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 561-нчи Бухоро шаҳар сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Ҳамро Маҳмудовни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 93-нчи Бухоро шаҳар сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига мувофиқ, Бухоро шаҳар сайлов округининг Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Ҳамро Маҳмудов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 93-нчи Бухоро шаҳар сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Ҳамро Маҳмудов 1908 йилда туғилган, Бухоро шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, меҳнаткашлар депутатлари Бухоро область Совети ижроия комитетининг раиси. Ҳамро Маҳмудов Бухоро пиллакашлик фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилиши, Свердлов районидаги Сталин номли колхоз а'золарининг умумий йиғилиши, Когон ёғ заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилиши, Кармана районидаги «Маданий инқилоб» колхози а'золарининг умумий йиғилишида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, депутатликка номзод Ҳамро Маҳмудов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 93-нчи Бухоро шаҳар сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Давлат Алимович Алимовни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 90-нчи Самарқанд шаҳар сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

Давлат Алимович Алимов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 90-нчи Самарқанд шаҳар сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинсин. Давлат Алимович Алимов 1908 йилда туғилган, Самарқанд шаҳрида туради, партиясиз, И. П. Павлов номидаги Самарқанд медицина институтининг доценти. Давлат Алимович Алимов 26 Боку комиссари номидаги шойи тўқиш фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари умумий йиғилиши, И. П. Павлов номидаги Самарқанд медицина институтининг студентлари, профессор-ўқитучилари йиғилиши, Пастдарғом районидаги Ворошилов номли колхоз а'золарининг йиғилиши, Куйбишев номидаги Самарқанд қишлоқ хўжалик институти студентлари, профессор ва ўқитучиларининг йиғилишида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, Давлат Алимович Алимовнинг номзоди Миллатлар Совети депутатлигига сайлов ўтказучи 90-нчи Самарқанд шаҳар сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Ма'фират Жумаевани

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 96-нчи Қарши сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига мувофиқ, Қарши сайлов округининг сайлов комиссияси қарор қилди:

Ма'фират Жумаева Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 96-нчи Қарши сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Ма'фират Жумаева 1917 йилда туғилган, «Ҳужум» колхозида туради, ВКП(б) а'зоси, Қарши районидаги «Ҳужум» колхозининг раиси. Ма'фират Жумаева Қарши районидаги «Ҳужум» ва «Октябрь 14 йиллиги», Деҳқонобод районидаги «Қизил юлуз» колхози а'золарининг умумий йиғилиши, Қарши мотор-ремонт заводи ва Косон районидаги 2-нчи МТС ишчилари ва хизматчиларининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, Ма'фират Жумаевани номзоди Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 96-нчи Қарши сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар рўйхатга олинди

Деҳқон Султоновни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 77-нчи Тошкент-Ленин шаҳар сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

Деҳқон Султонов Миллатлар Советига сайловлар ўтказучи 77-нчи Тошкент-Ленин шаҳар сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Деҳқон Султонов 1921 йилда туғилган, Тошкент шаҳрида туради, партиясиз, Тошкент-товарная паровоз депоси тепловоз машинистининг ёрдамчиси. Деҳқон Султонов Тошкент-товар станцияси ва Тошкент-пассажир станцияси паровоз депоси, электр лампалар заводи ва Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, депутатликка номзод Деҳқон Султонов Миллатлар Советига сайловлар ўтказучи 77-нчи Тошкент-Ленин шаҳар сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи Тошкент-Ленин сайлов округида Тошкент—товарная депоси тепловоз машинистининг ёрдамчиси, депутатликка номзод ўртоқ Деҳқон Султонов рўйхатга олинди. Суратда: Сайлов комиссиясининг аъзоси ўртоқ Қўчқор Турсунов рўйхатга қўл қўймоқда.
И. Глауберзон фотоси.

Жумагул Турумбетовани

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 477-нчи Мўйноқ сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

Жумагул Турумбетова СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинсин. Жумагул Турумбетова 1920 йилда туғилган, Мўйноқ районида туради, партиясиз, Мўйноқ гўшт-балиқ консерва комбинатининг ишчиси. Жумагул Турумбетованинг номзоди Мўйноқ гўшт-балиқ консерва комбинати, Қозоқдар'ё балиқ заводи коллективлари, Қораўзак районидаги Ленин номли ва Мўйноқ районидаги Қизил Армия номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, Жумагул Турумбетованинг номзоди Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 477-нчи Мўйноқ сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Обиджон Усмоновни

Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 566-нчи Қаттақўрғон сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига мувофиқ, Қаттақўрғон сайлов округининг Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Обиджон Усмонов Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 566-нчи Қаттақўрғон сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Обиджон Усмонов 1914 йилда туғилган, Жума поселка. сида туради, ВКП(б) а'зоси, Пастдарғом район партия комитетининг секретари. Обиджон Усмонов Қаттақўрғон ёғ-экстракт заводининг ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимлари умумий йиғилишп, Пахтакор районидаги Сталин номли, Метон районидаги «Байроқ бирлашув», Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхозлар аъзоларининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, Обиджон Усмоновнинг номзоди Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 566-нчи Қаттақўрғон сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Ибодатхон Акрамовани

Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 571-нчи Фарғона сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига мувофиқ, Фарғона сайлов округининг Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Ибодатхон Акрамова СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Ибодатхон Акрамова 1914 йилда туғилган, ВКП(б) а'зоси, Марғилон шаҳрида туради, Марғилон пиллакашлик комбинатининг ишак ўровчиси, П. Акрамова Марғилон ипакчилик комбинати, Марғилондаги «Байналмилал» ҳунармандчилик артелининг коллективлари, Тошлоқ районидаги «Янгийўл», Охунбобоев районидаги «Намуна» колхозлари аъзоларининг йиғилишлари, Молотов номидаги Фарғона педагогика институти студентлари ва профессор-ўқитучиларининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, депутатликка номзод Ибодатхон Акрамова Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 571-нчи Фарғона сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Евдокия Васильевна Антонюкни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 92-нчи Каттақўрғон сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига мувофиқ, Каттақўрғон сайлов округининг Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Евдокия Васильевна Антонюк Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 92-нчи Каттақўрғон сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Е. В. Антонюк 1905 йилда туғилган, Самарқанд шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, Самарқанд область қишлоқ хўжалик бош. қармасининг бош агрономи. Е. В. Антонюк Каттақўрғон районидаги 1-нчи МТС, Каттақўрғон пахта заводи ишчи ва хизматчиларининг умумий йиғилишлари, Қорадар'ё районидаги «Пахтакор» ва Иштиҳон районидаги «XVIII партс'езд» колхозлари аъзоларининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, Евдокия Васильевна Антонюкнинг номзоди Миллатлар Советига сайловлар ўтказучи 92-нчи Каттақўрғон сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Қосим Раҳимовни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 475-нчи Қўнғирот сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига мувофиқ, Қўнғирот сайлов округининг Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Қосим Раҳимов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 475-нчи Қўнғирот сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Қосим Раҳимов 1902 йилда туғилган, Тошкент шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министри. Қосим Раҳимов Қўнғирот пахта заводи, Қўнғирот районидаги 1-нчи МТС ишчилари ва хизматчилари, Қўнғирот районидаги Қизил Армия номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, СССР Олий Совети депутатлигига номзод Қосим Раҳимов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 475-нчи Қўнғирот сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Пиржон Сеитовни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 472-нчи Хўжайли сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

Пиржон Сеитов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 472-нчи Хўжайли сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Пиржон Сеитов 1909 йилда туғилган, Москва шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабининг ўқучиси. Пиржон Сеитов Хўжайли пахта заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, Хўжайли педагогика билим юртининг студентлари ва ўқитучилари, Хўжайли районидаги «XVII партс'езд», Охунбобоев номли колхозларининг а'золари умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, депутатликка номзод Пиржон Сеитов Миллатлар Советига сайлов ўтказиладиган 472-нчи Хўжайли сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Жунус Иброҳимовни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 468-нчи Тўрткўл қишлоқ сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

Жунус Иброҳимов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 468-нчи Тўрткўл қишлоқ сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Жунус Иброҳимов 1913 йилда туғилган, Тўрткўл шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, Ўзбекистон К(б)П Тўрткўл шаҳар комитетининг секретари. Жунус Иброҳимов Сараби МТСнинг ишчи ва хизматчилари, Тўрткўл районидаги «Ленинизм», Карл Маркс номли ва Крупская номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, СССР Олий Совети депутатлигига номзод Жунус Иброҳимов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 468-нчи Тўрткўл қишлоқ сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Саодат Раҳимовани

Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 564-нчи Наманган шаҳар сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

Саодат Раҳимова Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 564-нчи Наманган шаҳар сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Саодат Раҳимова 1917 йилда туғилган, Наманган область, Чуст шаҳрида туради, партиясиз, Чуст район қишлоқ хўжалик бўлимининг агрономи. Саодат Раҳимова Намангандаги 2-нчи пахта заводи, Наманган консерва заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, Тўрақўрғон районидаги «Сталинград» колхозининг а'золари, Наманган ўқитучилар институти ва Наманган шаҳар касалхонасининг медицина ходимлари йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, депутатликка номзод Саодат Раҳимова Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 564-нчи Наманган шаҳар сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Собир Камоловни

Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 572-нчи Қўқон сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига мувофиқ, Қўқон сайлов округининг Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Собир Камолов Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 572-нчи Қўқон сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Собир Камолов 1910 йилда туғилган, Фарғона шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, Ўзбекистон К(б)П Фарғона область комитетининг секретари. Собир Камолов Қўқон депоси, Қўқон қанд заводи, Қўқондаги 2-нчи ўрта мактаб ходимлари, Молотов районидаги Энгельс номли, Каганович районидаги «Ижтимоиёт», Бувайда районидаги Свердлов номли, Қўқон районидаги Сталин номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, депутатликка номзод Собир Камолов Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 572-нчи Қўқон сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Шароф Рашидовни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 81-нчи Жиззах сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига мувофиқ, Жиззах сайлов округининг Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Шароф Рашидов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 81-нчи Жиззах сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Ш. Рашидов 1917 йилда туғилган, Тошкент шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, Ўзбекистон ССР Совет ёзучилари союзининг раиси, Ш. Рашидов Жиззах станцияси, «Ударник» совхозининг коллективлари, Булунғур районидаги Карл Маркс номли, Жиззах районидаги Каганович номли колхоз а'золарининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, депутатликка номзод Шароф Рашидов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 81-нчи Жиззах сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Мелибой Абдуллаевни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 87-нчи Қўқон қишлоқ сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

Мелибой Абдуллаев Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 87-нчи Қўқон қишлоқ сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Мелибой Абдуллаев 1893 йилда туғилган, Қўқон районидаги Сталин номли колхозда туради, ВКП(б) а'зоси, Қўқон районидаги Сталин номли колхознинг раиси. Мелибой Абдуллаев Бағдод районидаги «Большевик», Қўқон районидаги Юсупов номли, Горск районидаги «8-Март», Қуйбишев районидаги «XVIII партс'езд» колхозларининг а'золари, Қўқон районидаги 1-нчи ўрта мактаб ўқитучилари коллективи йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, депутатликка номзод Мелибой Абдуллаев Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 87-нчи Қўқон қишлоқ сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Хамроқул Турсунқуловни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 80-нчи Янгийўл сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига мувофиқ, Янгийўл сайлов округининг Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Хамроқул Турсунқулов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 80-нчи Янгийўл сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олинсин. Хамроқул Турсунқулов 1892 йилда туғилган, Янгийўл районидаги Каганович номли колхозда туради, ВКП(б) а'зоси, Каганович номли колхознинг раиси. Хамроқул Турсунқулов Янгийўл пахта заводи, Янгийўл консерва заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, Янгийўл районидаги Каганович номли, Сталин номли, Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли, Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхози а'золарининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ депутатликка номзод Хамроқул Турсунқулов Миллатлар Советига сайлов ўтказучи 80-нчи Янгийўл сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Мирзасаид Аҳмедовни

Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 570-нчи Фарҳод сайлов округи Округ сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИДАН

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 63-нчи моддасига мувофиқ, Фарҳод сайлов округининг Округ сайлов комиссияси қарор қилди:

Мирзасаид Аҳмедов Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 570-нчи Фарҳод сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб овозга қўйилиш учун рўйхатга олинсин. Мирзасаид Аҳмедов 1900 йилда туғилган, Сирдар'ё районида туради, ВКП(б) а'зоси, Ўзбекистон К(б)П Сирдар'ё район комитетининг секретари. Мирзасаид Аҳмедов Ўзбекистон металлургия заводи, Фарҳод ГЭС, Тошкент темир йўли Урсатьевск узели, Янгийўл қанд заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, Бекобод районидаги Дзержинский номли, Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозлари а'золарининг умумий йиғилишларида номзод қилиб кўрсатилган.

«СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»нинг 65-нчи моддасига мувофиқ, депутатликка номзод Мирзасаид Аҳмедов Иттифоқ Советига сайлов ўтказучи 570-нчи Фарҳод Сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киритилсин.

Кўкламга большевикча тайёргарлик кўрайлик

Уйчи районида ваъдага муносиб иш йўқ

Сўнгги икки ой мобайнида Уйчи районида жуда кўп йиғилишлар, мажлислар, суҳбатлар ўтказилди. Ниҳоят, пахтакорларнинг кенгаши, район партия конференцияси бўлиб ўтди. Буларнинг ҳаммасида район ва колхоз раҳбарлари пахтачилик ишларида ўтган йилги хатоларни такрорламаслик ҳақида гапирдилар, ваъда устига ваъдалар бердилар.

Лекин кўкламга қизғин тайёрлик кўриш керак бўлган ҳозирги вақтда хотиржамликка йўл қўйилаётир.

Ўнҳаёт қишлоқ советидаги Ленин номли колхоз Наманган областининг йирик колхозларидан бири. Аммо бу колхоз уч йилдан бери орқада қолиб келади. Район раҳбарлари бу колхознинг раиси Шаҳзод Хўжамбердиевни маиший бузилишда айблаб, койиб келадилар. Раҳбарлар бу йил ҳам уни одатдагича «қаттиқ койидилар». Броқ Хўжамбердиев халқ овозига ҳам, партия ташкилотларининг огоҳлантиришига ҳам қулоқ солмасдан, ҳамон кеккайиб юради. Биз уни кайф қилиб ётган ерида учратдик. Колхозчилар ундан ҳақли равишда нолийдилар:

— Раисимиз шундай бўлгандан кейин, ишимиз нима бўларди. Қишлоқ хўжалик асбоблари ҳаркаерда ремонтсиз ётипти. Далага маҳаллий ўғит чиқарилмайди, ариқ-зовурлар тозаланмаган. Кўпчилик колхозчилар ишга чиқмайдилар.

Колхозчиларнинг нолиши тўғри. Колхозда ишга яроқли 400 киши бор, лекин далада ишлаётганлар 100 кишига ҳам етмайди. Ариқ-зовурларни қазишга ҳали киришилмаган. Аҳвол шундай бўлгани ҳолда, колхознинг партия ва комсомол ташкилотлари бу масалани ҳалигача жиддий муҳокама қилган эмаслар. Колхозда ҳалигача ҳисобот йиғилиши ўтказилмаган. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Сатторов юз-хотирчилик, муросачилик қилиб келмоқда. Шу аҳволда ҳар гектар ердан 31 центнердан ҳосил етиштиришдек катта вазифани қандай бажариш мумкин?!

Шунингдек, «Деҳқонобод» колхозида (раиси ўртоқ Нурбоев) 400 та яқин колхозчидан шу кунларда 50—55 киши ишга чиқади, холос. Ёркатой қишлоқ советидаги «Қизил меҳнат» колхозида ҳали 100 гектардан кўпроқ ердаги ғўзапоя йиғиштириб олинмаган. Ер участкалари, асбоб-ускуналар бригада ва звеноларга бириктиб берилмаган. Колхозда 200 гектардан энди 50 гектар ерга яхоб берилган, ариқ-зовурларнинг ярми ҳам тозаланмаган.

Районнинг Бўз участкасидаги тўрт колхоз бу йил 1.547 гектар ерга пахта экиш планлаштирилган. Бу планга мувофиқ, янги ариқлар қазиш, зовурлар очиш талаб қилинади. Колхоз раислари, жумладан Карл Маркс номли колхоз раиси ўртоқ Мамадалиев кўклам ишларини астойдил ташкил этмаётирлар. Колхоз далаларига бирор тонна ҳам маҳаллий ўғит чиқарилмаган, яхоб бериш, ерларнинг шўрини ювиш ишлари мутлақо унутиб қўйилган.

Куйбишев номли колхозда ўтган йил шу вақтгача 200 тонна маҳаллий ўғит ташилган эди. Бу йил эса ҳозиргача далага 120 тонна маҳаллий ўғит чиқарилган, холос. Ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта етиштириш мажбурияти олинган «САКУ» колхозида ҳам аҳвол шундай.

Райондаги ҳар иккала МТСда ҳам трактор ремонти кечиктирилмоқда. Бунинг устига, ремонтнинг сифати ёмон. Ўтказилган текширишда 2-нчи МТС (директори ўртоқ Фатхулла Хўжаев)нинг ўртоқ Азимов бошлиқ бригадасида ремонт қилиниб, колхозга юборилган бир ХТЗ тракторида 9 та камчилик топилди ва бу трактор қайта ремонтга юборилди. Шу бригадага берилган НАТИ трактори, плуги ремонт қилинмай, колхозга юборилган.

Ариқ-зовурларни тозалаш, янги коллекторлар қазиш, ботқоқликларни қуритиш Уйчи районида катта аҳамиятга эга. Аммо район ташкилотлари бу ишларга ҳам юзаки қараб келаётирлар. Ҳозиргача ички ариқлардан 117 минг кубометр ўрнига 30 минг кубометр, 349 минг кубометр зовур қазиш ишларидан 125 минг кубометри бажарилган, холос.

Бундай ачинарли фактларнинг кўпчилиги район партия комитетининг секретарьлари Иброҳимов, Андреев, Хайитов, район ижроия комитети раисининг ўринбосари Жабборов, район қишлоқ хўжалик бўлимининг бошлиғи Мирзараҳмонов ўртоқларга маълум. Аммо улар ҳали ҳам: «бу йил район бўйича ҳар гектар ердан камида 31 центнердан ҳосил етиштириш учун курашамиз, кўкламга тайёргарликни қизитамиз», деган қуруқ гаплардан нарига ўтмаётирлар.

Район партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари колхозларга амалий раҳбарликни кучайтириб, бутун куч ва имкониятларни кўклам дала ишларини қизитиб юборишга сафарбар этмасалар, Уйчи райони бу йил ҳам орқада қолиши мумкин.

«Қизил Ўзбекистон» ва «Сталин ҳақиқати» газеталарининг рейд бригадаси:

С. ОТАЖОНОВ.
И. АЛИЕВ.
Н. АБДУЛЛАЕВ.

Қўнғирот районида кўкламга тайёргарлик суст

Қорақалпоғистон АССРнинг Қўнғирот райони бирнеча йилдан бери пахта тайёрлаш планини бажармай келади. Ўтган йили районнинг колхозлари кўкламга яхши тайёргарлик кўрмаганликлари сабабли, чигит экиш белгиланган муддатдан деярлик уч ҳафта кечикиб тамомланди ва мўл ҳосил учун кураш юзасидан навбатдаги ишлар ҳам кечикди.

Бу йил ҳам кўкламги экиш кампаниясига тайёргарликка етарли эътибор берилмаётир. Бирқанча колхозда кўкламда чигит экиладиган ерларни белгилаб чиқиш шу чоққача тамомланмаган. Пахта майдонларининг фақат 15 процентига маҳаллий ўғит чиқарилган. Атиги 250 гектар ер текисланган. Ариқ-зовурлар тозаланмаганлиги сабабли, яхоб беришга киришилмаган. Районда қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилиш ҳам секин бормоқда. МТС эса, колхозлар учун фақат 70 плуг, 100 борона ва 57 сеялка ремонт қилиб берган, холос. Баҳори экинлар учун уруғ ғамлаш плани бажарилмаган. Район ҳар йили талай ерга шоли экади. Лекин шоли уруғи тайёрлаш плани энди 34 процент бажарилди.

9-нчи овул советидаги «Ленинизм» колхозининг раҳбарлари кўкламга тайёргарлик ишларида айниқса сусткашлик кўрсатмоқдалар. Бу колхозда 140 гектар ер ҳозиргача ғўзапоядан тозаланмаган. Кузги шудгор плани фақат 50 процент бажарилган. Ариқ-зовурларни тозалаш, далаларга ўғит чиқариш ишлари яхши уюштирилмаган.

Колхозда ишга яроқли 180 аъзо бор. Лекин уларнинг кўпи дала ишларида қатнашмаётир. Ҳозирги вақтда кўп деганда 120 киши ишга чиқади, шундан ярми белгиланган нормани бажармайди. Коммунист Отахон Турмонов бошлиқ бригадага 63 гектар ер бириктиб берилган. Аммо бригадада ҳозиргача фақат 8 гектар ерга етарли ўғит тайёрланган, холос.

Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Давлатов хўжалик ишларининг ёмон аҳволга тушиб қолганлигига эътибор бермаётир. Колхозда социалистик мусобақа уюштирилмаган. Бригада ва звеноларнинг топшириқни қандай бажараётганликлари ёзиб бориладиган тахталар қўйилмаган. Деворий газета чиқарилмайди.

6-нчи овул советидаги «Коммунизм» ва 5-нчи овул советидаги «Эркин» колхозларида иш ҳайвонлари боқувга қўйилмаган. «Коммунизм» колхозида ем-хашак етишмайди, лекин ем-хашак тайёрлаш ҳақида ҳечким ўйламайди.

Район ташкилотларининг ходимлари колхозларга тез-тез келиб турмайдилар. Улар кўкламга тайёргарлик ишида юз берган аҳволни тузатиш учун тегишли чора кўрмаётирлар.

Г. КАРИМБЕРДИЕВ.

Босилмаган хабарлар изидан

Редакциямизга келган бир хабарда Самарқанд область, Зомин районидаги «Комсомол» колхози правлениесининг айрим аъзолари томонидан қишлоқ хўжалик артели Устави қўпол равишда бузилаётганлиги ва колхоз мулки талон-торож қилинаётганлиги кўрсатилган эди.

Самарқанд область ижроия комитети бу хабар юзасидан текшириш ўтказиб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди.

Жамоат мулкини талон-торож қилишда айбланган колхоз раиси Хатамназаров ва колхоз ферма мудири Ғайбуллаевларнинг жиноий жавобгарликка тортиш учун, улар ҳақидаги ҳужжатлар тергов органларига топширилди.

☆

Редакциямизга келган бир хабарда Самарқанд областининг Нурота районидаги айрим колхозларда қишлоқ хўжалик артели Устави қўпол равишда бузилаётганлиги, айрим кишилар томонидан жамоат мулки талон-торож қилинаётганлиги кўрсатилган эди.

Самарқанд область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Самедов, бу хабар юзасидан текшириш ўтказилиб, унда кўрсатилган фактлар тўғри топилганлигини редакциямизга хабар қилди.

Колхоз мулкини талон-торож қилишда айбланган кишиларни жиноий жавобгарликка тортиш учун, текшириш материаллари тергов органларига топширилди.

Капитализмнинг умумий кризиси тобора кескинлашмоқда

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ПАСАЙИШИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 февраль. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг секретариати «1949 йилда содир бўлган асосий иқтисодий ўзгаришлар» деган сарлавҳа остида жаҳон экономикасининг 1949 йилдаги аҳволи тўғрисида доклад эълон қилди. Докладда асосан 1949 йилнинг дастлабки 9 ойи мобайнидаги умумий иқтисодий аҳвол кўздан кечирилади. Баъзи мамлакатлар бўйича эса бутун 1949 йил учун тегишли маълумотлар келтирилган.

Доклад схематик характерда тузилиб, бу докладни тузувчилар бирқанча фактларни хаспўшлаб кетишга ва капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий аҳволини яхши қилиб кўрсатишга урунган бўлишларига қарамай, ҳарҳолда докладда капитализмнинг умумий кризиси тобора кескинлашаётганини кўрсатадиган қизиқ маълумотлар келтирилган.

Доклад иккинчи жаҳон уруши тамом бўлгандан кейинги дастлабки йилларда капиталистик мамлакатлардаги иқтисодий аҳволни таърифлаб, «уруш тамом бўлгандан кейинги дастлабки йилларда муваққат характердаги бирқанча фактлар маҳсулот ишлаб чиқаришни ва савдо-сотиқ ишларини кучайтиришга сабаб бўлган эди» деб таъкидлайди.

1949 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб,— дейилади докладда,— ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамма капиталистик мамлакатларда пасая бошлади. Қўшма Штатларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1948 йилнинг иккинчи ярмидаёқ камая бошлаган эди.

1949 йилнинг иккинчи ярмида ҳамма капиталистик мамлакатларда пўлат қуйиш, чўян эритиш, нефть чиқариш, оғир саноатда, электр, химия, тўқимачилик саноатларида ва саноатнинг бошқа тормоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш кескин суратда камая бошлади. Бу ҳақда докладда 1949 йилнинг учинчи кварталига доир тўла маълумотлар келтирилган. Масалан, барча капиталистик мамлакатларда 1949 йилнинг учинчи кварталида пўлат қуйиш шу йилнинг биринчи ярмидаги ўртача миқдорига нисбатан 12 процент, шу жумладан Қўшма Штатларда 18 процент, Бельгияда 13 процент, Люксембургда 23 процент, Австралияда 27 процент пасайган ва ҳоказо.

1949 йилнинг учинчи кварталида барча капиталистик мамлакатларда чўян эритиш 1949 йилнинг биринчи ярмида эритилган ўртача миқдорга нисбатан 13 процент, шу жумладан Қўшма Штатларда 21 процент, Бельгияда 25 процент, Швецияда 16 процент, Люксембургда 23,6 процент, Канадада 17 процент камайган ва ҳоказо. Капиталистик мамлакатларда 1949 йилнинг учинчи кварталида кўмир чиқариш индекси шу йилнинг иккинчи кварталидагига нисбатан 103 пунктдан 89 пунктгача, шу жумладан Қўшма Штатларда эса 39 пункт камайган.

ИШСИЗЛИКНИНГ КУЧАЙИШИ, МЕҲНАТКАШЛАР ТУРМУШИНИНГ ОҒИРЛАШУВИ

1949 йилда барча капиталистик мамлакатларда ишсизлар сони кескин равишда кўпайди. Масалан, Қўшма Штатларда 1949 йилда бутунлай ишсиз қолган кишиларнинг сони 1948 йилдагига қараганда 94,5 процент, иш блан қисмангина таъминланган (ҳафтада бирнеча соат ёки бирнеча кун ишловчи) ишсизларнинг сони 111 процент ортди.

Бошқа мамлакатларда ишсизларнинг сони тўғрисида 1949 йилнинг 9 ойи учун тегишли маълумотлар келтирилган. Масалан, 1949 йилнинг 9 ойи ичида ишсизлар сони 1948 йилнинг шу давридагига нисбатан Австралияда қарийб икки марта, Бельгияда икки мартадан ҳам зиёд, Францияда 2,6 марта, Ғарбий Германияда икки мартадан ҳам кўпроқ, Японияда 1,6 марта, Швецияда 3,2 марта, Голландияда бир ярим марта, Финляндияда 4,2 марта ортган ва ҳоказо.

1949 йил капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг бошига янги азоб-кулфатларни келтирди. Қўшма Штатлардаги ва бошқа капиталистик давлатлардаги ҳукмрон доиралар авж олаётган иқтисодий кризиснинг бутун оғирлигини меҳнаткашлар гарданига юклашга урунмоқдалар. Докладдаги маълумотлар 1949 йилда капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг янада қашшоқланганлигини кўрсатади. Ҳатто ҳукуматларнинг докладда келтирилган расмий маълумотларига қараганда ҳам, 1949 йилнинг учинчи кварталида қимматчилик 1948 йилнинг шу давридагига нисбатан Туркияда 11 процент, Австрияда 37 процент, Грецияда 13 процент, Бирмада 42 процент, Ҳинд-Чинида 20 процент, Японияда 22 процент, Чилида 17 процент, Перуда 17 процент, Австралияда 9 процент ошган ва ҳоказо.

1949 йилнинг охирида кўпчилик капиталистик мамлакатларда пул девальвация қилинди. Қўшма Штатларнинг тазъйиқи блан Англия ҳаммадан аввал фунт стерлингни девальвация қилди. Сўнгра бошқа капиталистик мамлакатлар ҳам ўз пулларини девальвация қилдилар. Девальвациядан кейин,—дейилади докладда,—пулини девальвация қилган мамлакатларда озиқ-овқат ва бошқа молларнинг нархи дарҳол ошди, чунки доллар асосида иш кўраётган мамлакатлардан ва даставвал Қўшма Штатлардан келтирилаётган моллар нархи ошганлиги бунга сабаб бўлди. Шундай қилиб, девальвация даставвал меҳнаткашлар гарданига оғир юк бўлиб тушди. Докладда буни очиқ айтишга мажбур бўлинган. Докладда Англиядаги аҳвол ҳақида гапирилиб, девальвация «реал иш ҳақини камайтирди» ва янада камайтиришга олиб келади, девальвация «мамлакат ичида озиқ-овқат ва ҳархил моллар истеъмолининг камайишига таъсир қилади» дейилади. Девальвация Англияда пулнинг қадр-қимматини янада тушириб юборди.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ КРИЗИС ТОБОРА КУЧАЙМОҚДА

Докладда Америка Қўшма Штатларининг иқтисодий аҳволи ҳақида бундай дейилади: 1948 йилнинг ўрталаридан бошлаб ва 1949 йил давомида Қўшма Штатларда иқтисодий аҳвол ҳамон оғирлашаборди. Ички бозорларда молларга талаб камайди, ишсизлар сони ҳамон ортаборди.

Докладдаги маълумотларга кўра, 1949 йилнинг учинчи кварталида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш индекси 1948 йилнинг иккинчи ярмидагига нисбатан 170 дан 149 гача камайган. 1949 йилда миллий даромад 1948 йилдагига нисбатан 2 миллиард доллар, деҳқонларнинг даромади эса шу давр ичида 4 миллиард 700 миллион доллар камайган. Қўшма Штатлардан чет мамлакатларга мол чиқариши пул ҳисоби блан 1949 йилда 1948 йилдагига нисбатан 652,5 миллион доллар, чет мамлакатлардан мол келтириш эса 497,7 миллион доллар камайган.

1949 йилда улгуржи нархлар 18 процент камайгани ҳолда, аҳоли сотиб оладиган мол ва озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана нархи аввалги даражада қолган, ҳатто айрим молларнинг нархи ошган. Нарх-наво ўртасидаги тафовут Қўшма Штатларнинг бусиз ҳам жуда кўп фойда олаётган монополиячилари чўнтагига тушади.

МАРШАЛЛ ПЛАНИ ПАНЖАСИДА

Ғарбий Европа мамлакатларидаги иқтисодий аҳвол ҳақида докладда бундай дейилади: 1949 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ғарбий Европа мамлакатларида, айниқса Францияда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш кескин суратда пасая бошлади. Масалан, 1949 йилнинг учинчи кварталида Ғарбий Европада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш индекси шу йилнинг иккинчи кварталидагига нисбатан 106 дан 101 пунктгача, шу жумладан Англияда 7 пункт, Францияда 17, Бельгияда 9, Финляндияда 10, Норвегияда 23 пункт пасайди ва ҳоказо. Ғарбий Европа мамлакатларида ишсизлар сони тўхтовсиз кўпаяборди.

Докладда айтилишича, Ғарбий Европада саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг камайишига, жумладан, шу нарса сабаб бўлганки, бу мамлакатларда ташқи савдо, айниқса чет элларга мол чиқариш камайган.

Мутлақо равшанки, Қўшма Штатларга қарам бўлиб қолган, машъум Маршалл плани панжасига тушган Ғарбий Европа мамлакатлари, шу жумладан Англия ва Франция Америка Қўшма Штатлари блан ўзлари учун фойдали бўлмаган савдо ишларини олиб боришга мажбур бўлмоқдалар. 1949 йилда Ғарбий Европа мамлакатларининг бозорлари Америка моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари блан тўлиб қолди. Бу мамлакатларнинг америка монополиялари рақобатига қарши тураолмаган миллий саноати 1949 йилнинг иккинчи ярмида маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин суратда камайтира бошлади.

1949 йилда Ғарбий Европа мамлакатлари Қўшма Штатлардан мол сотиб олишни камайтириб, Америка Қўшма Штатлари блан бўлган ташқи савдо балансларини бирмунча яхшилашга уруниб кўрдилар. Лекин Америка Қўшма Штатлари маршаллаштирилган мамлакатларга нисбатан ўз тазъйиқини кучайтириб, Ғарбий Европа мамлакатларининг ана шу ниятларини чиппакка чиқарди. Қўшма Штатлар Ғарбий Европа мамлакатларидан ҳам, уларнинг мустамлакаларидан ҳам мол сотиб олишни кескин суратда камайтирди. Бунинг натижасида 1949 йилда Ғарбий Европа мамлакатларида доллар танқислиги янада кучайди. Бу мамлакатлар «Қўшма Штатлар блан бўлган ташқи савдоларидаги дефицитнинг ўсишини тўхтатаолмадилар».

1949 йилнинг дастлабки 9 ойида Ғарбий Европадаги айрим мамлакатлар ташқи савдоси балансининг дефицити қуйидагича бўлди: Англияники 1 миллиард 350 миллион доллар, Францияники 401 миллион доллар, Голландияники 391 миллион доллар, Италияники 388 миллион доллар, Данияники 133 миллион, Швейцарияники 74 миллион, Австрияники 79 миллион, Норвегияники 296 миллион доллар ва ҳоказо.

Докладда Латин Америкаси, Осиё, Узоқ Шарқ, Африка ва бошқа жойлардаги иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакатларда аҳвол янада ёмонлашганлиги таъкидланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Секретариатининг ҳозирги докладидан маълум бўлишича, иқтисодий кризиснинг бутун оғирлигини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўзларига қарам бўлган мамлакатларга юклашга урунаётган америка монополияларининг тўхтовсиз давом этаётган ҳужуми натижасида иқтисодий қолоқ мамлакатларнинг экономикаси 1949 йилда ҳалокатли тус олган. Докладда айтилишича, бу мамлакатларнинг экономикаси саноат жиҳатидан ривож топган мамлакатларнинг ташқи савдосига, биринчи навбатда Қўшма Штатларга қарам бўлиб қолган. 1949 йилда Қўшма Штатлар иқтисодий қолоқ мамлакатлардан хомашъё сотиб олишни кескин суратда камайтирган. Америка Қўшма Штатлари фақат стратегия аҳамиятига эга бўлган хомашъёларнигина сотиб олмоқда. Шу блан бирга Америка Қўшма Штатлари бу мамлакатларнинг бозорларига ўз молларини келтиришни зўр бериб давом эттирган. Шу сабабли «бу мамлакатларнинг ташқи савдо баланси ва савдо шартлари улар учун ноқулай тус олди».

Масалан, 1949 йилнинг 9 ойи ичида Жанубий Африка Иттифоқи ташқи савдо балансининг дефицити 711 миллион доллар, Мисрники—111 миллион, Ҳиндистонники—575 миллион, Эронники—221 миллион, Жанубий Қурия қўғирчоқ «ҳукумати»ники— 94 миллион, Сурия ва Ливанники—104 миллион доллар бўлган ва ҳоказо.

Қўшма Штатлар бу мамлакатлардаги доллар ва олтин запасларининг қолган-қутганларини ҳам қоқиб олмоқда. Жанубий Африка Иттифоқи бунга мисол бўлаолади. 1948 йилда Жанубий Африка Иттифоқи анча катта доллар ва олтин запасига эга эди, аммо 1949 йилда Америка Қўшма Штатлари блан бўлган савдо шунга олиб келганки, Жанубий Африка Иттифоқининг «олтин ва доллар запаси 1949 йил июнь ойига келганда жуда камайиб қолди».

Америка монополияларининг рақобати натижасида Латин Америкасидаги кўпчилик мамлакатларда миллий саноатда, айниқса тўқимачилик саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 1949 йил давомида узлуксиз камая борди. Докладда бу тўғрида рақамлар келтирилмаган. Лекин Америка матбуотида босилган ва Латин Америкаси мамлакатларидаги радио станциялардан эшиттирилган хабарлардан маълум бўлишича, Латин Америкасидаги баъзи мамлакатларда, айниқса Бразилияда миллий тўқимачилик саноати аслда тўхтаб қолган. Барча мамлакатларда пулнинг қадр-қиммати тушган, озиқ-овқат ва энг зарур молларнинг нархлари тобора ошмоқда.

Иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган бошқа мамлакатларда ҳам аҳвол яхши эмас. Бу мамлакатларнинг экономикасини америка капитали ўз қўлига олмоқда. Масалан, докладда айтилишича, Америка Қўшма Штатларидан мол чиқариш кучайтирилиб, Америкага хомашъё келтириш камайтирилганлиги, фақат стратегия аҳамиятига эга бўлган хомашъёгина сотиб олинаётганлиги сабабли, Осиё ва Узоқ Шарқдаги мамлакатларнинг ҳам ташқи савдо дефицити худди Латин Америкасидагилек бўлган. Ўрта Шарқ мамлакатларида америка ва инглиз монополиялари қўлидаги конларда нефть чиқаришгина илгариги даражада қолган. Аммо 1949 йилнинг учинчи кварталида Саудийлар Арабистони, Эрон ва Кувайтда нефть чиқариш камая бошлаган.

СССР ВА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ МАМЛАКАТЛАРИДА ЭКОНОМИКА РИВОЖЛАНМОҚДА ВА ЮКСАЛМОҚДА

Докладда, фақат Совет Иттифоқида ва халқ демократияси мамлакатларида иқтисодий аҳвол ой сайин яхшиланмоқда деб эътироф қилинади. Докладда айтилишича, 1949 йил Совет Иттифоқида ва Шарқий Европа мамлакатларида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш кескин суратда кўпайган йил бўлди. 1949 йилда молларнинг ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари яна камайди, ишчи ва хизматчиларнинг реал иш-ҳақи ортди, меҳнаткаш деҳқонларнинг даромади кўпайди.

СОВЕТ—БУЛҒОРИЯ САВДО МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

СССР Ташқи Савдо Министрлиги блан Булғория Савдо Делегацияси ўртасида дўстона ҳамкорлик вазиятида давом этган музокаралар натижасида шу йил 18 февральда 1950 йилда ўзаро мол етказиб бериш тўғрисида Протокол имзоланди.

Ҳар иккала томон иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ ишларини янада кучайтиришга интилиб, 1950 йилда икки мамлакат ўртасидаги мол оборотини 1949 йилдаги мол оборотига нисбатан кенгайтириш ҳақида бир қарорга келдилар.

СССР блан Булғория ўртасидаги мол обороти 1950 йилда ўзаро мол етказиб бериш юзасидан 1949 йилдаги мол оборотига нисбатан 20 процентдан ҳам кўпроқ ортади.

Совет Иттифоқи Булғорияга пахта, [illegible]таллар, нефть маҳсулотлари, саноат у[illegible]калари, қишлоқ хўжалик машиналари, ўғит ва Булғория халқ хўжалиги муҳтож бўлган бошқа моллар етказиб беради.

Булғория эса Совет Иттифоқига қўрғошин ва руҳ концентратлари, тамаки, цемент ва бошқа моллар етказиб беради.

Битимга совет томонидан Ташқи Савдо Министри М. А. Меньшиков, Булғория томонидан Ташқи Савдо Министри Д. Ганев қўл қўйдилар.

ТЯНЬЦЗИНДА ТАНТАНАЛАР

ПЕКИН. (ТАСС). Тяньцзиндан хабар берилади: СССР блан Хитой халқ республикаси ўртасида дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида шартнома имзоланганлиги ҳақидаги хабарни бутун шаҳар аҳолиси, айниқса ишчилар зўр қувонч блан кутиб олдилар.

Митинг ва йиғилишларда ишчилар ҳамда хизматчилар Хитой халқ-демократик республикаси блан СССР ўртасида шартнома тузилганлиги муносабати блан ўз хурсандчиликларини билдириб, совет халқига ва СССР нинг йўлбошчиси ўртоқ Сталинга миннатдорлик ҳисларини изҳор қилмоқдалар.

ДОКЕРЛАР ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

ПРАГА, 20 февраль. (ТАСС). Телепресс агентлигининг мухбири хабар беради: Гамбург докерлари «Тинчлик учун кураш комитети» туздилар. Комитет Шимолий Атлантик аҳдини тузган мамлакатларнинг докерлари блан биргаликда ҳаракат қилиб, бу мамлакатлар учун келтириладиган Америка ҳарбий материалларини кемалардан туширмаслик учун курашиши лозим.

Сўнгги вақтда олинган бирқанча маълумотларга кўра, Шимолий Атлантик аҳдига қўл қўйган ҳамма мамлакатлардаги докерлар Америка қурол-яроғини кемалардан туширмасликка қарор берганликлари сабабли, америкалилар ва Америка Қўшма Штатларига қарам мамлакатларнинг ҳукуматлари қурол-яроғларни Ғарбий Германия орқали келтирмоқчилар.

Франция докерлари Вьетнам халқига қарши империалистик уруш олиб бориш учун қурол ортиш ва жўнатишдан бош тортдилар. Гамбург докерлари Франция докерларига хайрихоҳ эканликларини билдирдилар.

ПАРИЖ, 20 февраль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради: Ларошель портининг докерлари бугун эрталаб Сайгон ва Хайфонга жўнатиладиган юкларни «Орэ» пароходига ортишдан бош тортдилар. Улар портда турган бошқа тўрт пароходга юк ортишни ҳам истамадилар. Маъмурлар юк ортиш учун Рошфор ҳарбий-денгиз базасидаги денгизчилардан ва маҳаллий гарнизон солдатларидан фойдаланишга қарор бердилар.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ҳузуридаги Партколлегия қуйида номлари кўрсатилган кишилардан партия ишларини кўриш учун 1950 йил 27 февральда Тошкент шаҳар Гоголь кўчасидаги 70-нчи уйга келиб, ўртоқ **Зокиржоновга** учрашишларини сўрайди:

Содиқ Азизов (Тошкент шаҳар, Куйбишев районидан), Абдувоҳид Алимов (Фарғона область, Куйбишев районидан), Деҳқонбой Алишев (Сирдарё районидан), Ғани Болтабоев (Марғилон шаҳридан), Пётр Михайлович Емяшев (Наманган шаҳридан), Семён Яковлевич Лазаренко (Фарғона шаҳридан), Султон Муҳаммедов (Тошкент шаҳридан), Муҳаммад Ханнонович Собиров (Қўқон шаҳридан), Владимир Владимирович Павловский (Наманган шаҳридан), Маҳмуд Йўлдошев (Паркент районидан).

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ҳузуридаги Партколлегияси.

Масъул муҳаррир: Ҳ. ҒУЛОМОВ.

Китоб савдоси республика конторaси «Узбеккнижторг». Ҳамма китоб магазинлари ва киоскаларидан

СССР Олий Совети сайловларига

бағишлаб чиқарилган

КИТОБЛАР ВА ПЛАКАТЛАР

ТАЛАБ ҚИЛИНГИЗ.

Китоблар ва плакатлар айрим кишиларга ва ташкилотларга сотилади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«НАВОИЙ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — янги бадиий фильм **Берлиннинг таслим бўлиши** (2-нчи серия).

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Тайгали йигит** (янги нусхаси).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — бугун ва ҳар куни **катта цирк тамошалари** ва арбитр **П. П. Бредихин** раҳбарлигида **классик курашлар.** Уйин ораларида — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист П. Боровиков қатнашади. Тамоша кеч соат 9 да, кураш—кеч соат 10—45 минутда бошланади.

«РОДИНА» ВА «ИСКРА» КИНОТЕАТРЛАРИДА

кундуз ва кечқурун

БЕРЛИННИНГ ТАСЛИМ БЎЛИШИ

деган янги рангдор фильмнинг 2-нчи серияси кўрсатилади.

«Родина» кинотеатрида сеанслар эрталаб соат 11 дан кеч соат 10 яримгача (ҳар 2 соат оралаб), «Искра» кинотеатрида—эрталаб соат 10 дан кеч 11 яримгача (ҳар 30 минут оралаб), бошланади.

«ЁШ ГВАРДИЯ» КИНОТЕАТРИДА

тез кунда

КУБАНЬ КАЗАКЛАРИ

деган янги рангдор музикали кинокомедия кўрсатилади.

«ГЛАВМУКА»НИНГ ТЕГИРМОН ВА ЭЛЕВАТОР МАШИНАЛАРИ ЗАВОДИГА

4—5 разрядли **слесарьлар,** 4—5 разрядли **токарьлар,** 5 разрядли **электросварщиклар,** цехларга **ёрдамчи ишчилар, юкчилар, токарь, слесарь, қолипчи шогирдлари**

КЕРАК

Адрес: Тошкент шаҳар, Островная кўчаси, 9-нчи уй, (Свердловский проезд бўйича), 3-нчи трамвайнинг «Ассакинская» остановкаси. Телефон—35-442.

Колхоз қишлоқларини планлаштирувчи ЕР ТУЗИШ ОТРЯДИГА

доим ҳам вақтинча ишлаш учун **архитекторлар ва топографлар**

КЕРАК

Адрес: Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 52-нчи уй (2-нчи қават).

1950 йил 3 март соат 14 яримда, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Математика ва механика институти илмий советининг мажлисида (Абдулла Тўқаев кўчаси, 1-нчи уй, конференц-зал)

К. Д. Шамгунов

физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ.

Диссертация темаси: «Деярлик периодик ядроли интеграл тенгламалар тўғрисида». Расмий оппонентлар: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси профессор В. И. Романовский, доцентлардан И. С. Аржаних ва М. И. Кучмар.

Диссертация блан Фанлар академиясининг кутубхонасида танишиш мумкин.

«ЎЗТЕАСНАБ»

пахта, жун, зиғирдан ишланган газмол, бахмал ва ёғочни

ЎТДАН САҚЛАШ УЧУН

махсус дориловчи

ЦЕХ ОЧДИ

Бу ишни жойнинг ўзида бажариш учун цехнинг сайёр бригадалари ҳам бор.

Цехнинг адреси: Тошкент шаҳар, Комсомол кўчаси, 70/72-нчи уй (1-нчи трамвайнинг «Чорсув» остановкаси).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими — 31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими — 32347. Эълонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.
«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1300. Р. 00842.